



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 30 июнь, № 131 (9302)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Халқаро валюта жамғармаси «Швейцария гуруҳи»нинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган жамғарма бошқарувчи директорининг ўринбосари Бо Лини қабул қилди.



Учрашув аввалида Бо Ли давлатимиз раҳбарига Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристалина Георгиеванинг самимий саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Глобал молия бозорларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ушбу нуфузли халқаро институт билан амалий ҳамкорлиқни, энг аввало, ўтган йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида Халқаро валюта жамғармаси раҳбари билан ўтказилган учрашувда эришилган келишувлар доирасида янада мустақамлашнинг асосий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Юртимизда пул-кредит, валюта ва фискал сиёсатни такомиллаштириш каби йўналишларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда жамғарма муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Макроиктисодий сиёсат стратегияси ва рақамли тўловлар тизимини ривожлантириш, капитал ҳаракатини либераллаштириш, миллий статистика методологияси ва давлат даромадларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда эркин валюта айирбошлаш курсини қўллаб-қувватлаш масалаларида экспертлик ва техник қўмакни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз иқтисодий идоралари учун кадрлар тайёрлаш дастурларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Жаҳон банки таъсисчи давлатларининг «Швейцария гуруҳи» йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган банкнинг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Антонелла Бассани бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Антонелла Бассани давлатимиз раҳбарига Жаҳон банки президенти Ажай Банганинг самимий саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Жаҳон банки гуруҳи билан стратегик ҳамкорлиқни Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган таркибий ислохотларнинг устувор йўналишлари бўйича кенг миқёсда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда ушбу нуфузли халқаро молиявий институт билан икки томонлама алоқалар ва конструктив шериклик мисли кўрилмаган даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида Жаҳон банки президенти билан эришилган олий даражадаги келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Қўшма лойиҳалар портфели 15 миллиард доллардан ошди. Тошкент шаҳрида Жаҳон банкининг минтақавий офиси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Молиялаштиришнинг янги механизмлари самарали татбиқ этилмоқда.

Жорий йилда бўлиб ўтадиган Жаҳон банки олий раҳбариятининг таширфлари ва қўшма тадбирларга пухта тайёргарлик кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг энг асосий йўналишларини қамраб олувчи янги узоқ муддатли Мамлакат дастурини ишлаб чиқиш режалари қўллаб-қувватланди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қўмаклашиш, камбағаллиқни қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш бўйича қўшма дастурларни илгари суриш ҳамда иқтисодий тармоқларига сунъий интеллект технологияларини жорий этишда Жаҳон банки гуруҳининг молиявий воситаларидан фойдаланишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Сув ҳўжалиги соҳасини молиялаштириш, инсон капиталини ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга қўмаклашиш масалаларида яқин ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ҳам устувор вазифалардан бири сифатида қайд этилди.

БИРИНЧИ ТУРКОЛОГИЯ ҚУРУЛТОЙИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО КОНГРЕСС ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Аввало, туркий дунёнинг қадимий ва бой тарихи, илмий ва маданий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этишдек гоят муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, азизларни бугунги халқаро конгресснинг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод етаман.

Бундан бир аср муқаддам, 1926 йилда Боку шаҳрида ўтказилган биринчи Туркология қурултойи туркий халқларнинг илм-фани ва маданий ҳаёти ривожига янги даврни бошлаб берган катта тарихий воқеа бўлган эди. Маскур қурултойда 11 нафар таниқли ўзбек зиёлиси иштирок этганини биз ҳамиша фахр билан эсга оламиз.

Бугун ушбу қутлуғ санани халққаро ҳамжамият вакиллари иштирокида кенг нишонлар эканмиз, ушбу анжуман туркий халқларни бирлаштириб турган муштарак қадриятларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир.

Ҳеч шубҳасиз, миллий хотирамизда ўчмас из қолдирган ўша тарихий қурултой ҳақида сўз юритганда, туркий дунё жадидларининг буюк хизматларини яна бир бор эътироф етамыз.

Дарҳақиқат, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида улугъ маърифатпарвар Исмоил Гаспирали “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу гоя асосида бошлаб берган улкан ишлар бутун туркий оламда қудратли миллий уйғониш ҳаракатига айланди.

Мазкур ҳаракат сафларида Ўзбекистондан Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидовнинг, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдулхамид Чўпон ва Абдулла Қодирий каби фидойий зиёлилар фаол иштирок этиб, туркий халқлар ўртасида илм-маърифат, таълим-тарбия ва маданий тараққиёт

ғояларини кенг ёйишда алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Улар гоят оғир ва мураккаб шароитда мактаблар, газета ва журналлар, музей, кутубхона ва театрлар ташкил етдилар, дарслик ва ўқув қўлланмалари, ислохотчилик руҳидаги бадий асарлари ҳамда сиёсий-ижтимоий фаолиятлари билан бепоён туркий маконга янги замон нафасини олиб кирдилар.

Афсуски, мустабид сиёсат туфайли бу қаҳрамон аждодларимизнинг асосий қисми мудҳиш қатагонлар қурбонига айланди. Аммо уларнинг эзгу ғоялари, илмий мероси ва маърифатпарварлик анъаналари биз учун бугунги кунда ҳам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги Ўзбекистонда тарихий адолатни тиклаш, жадид намояндаларининг меросини чуқур ўрганиш, уларнинг илмий ва адабий асарларини кенг тарғиб этиш, табаррук номларини абадийлаштириш ҳамда ёш авлодни уларнинг маънавий жасорати руҳида тарбиялаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳурматли конгресс қатнашчилари! Буюк аждодларимизнинг билим-маърифат, очик дунёқараш, миллий ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ҳақидаги бой илмий-ғоявий мероси биз учун ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Албатта, туркий давлатлар билан илм-фан, маданият, таълим ва инновациялар соҳаларида ҳамкорлиқни янада ривожлантиришда ҳам биз умумий ўтмишимиздаги ижобий тажрибаларга таянамыз.

Табийки, дунё янги тараққиёт босқичига қадам қўётган бугунги шароитда туркология фани олдида ҳам янги-янги долзарб вазифалар пайдо бўлмоқда.

Айниқса, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, қўлэзмаларни рақамлаштириш, умумтуркий электрон лугатлар ва тил корпусларини яратиш, тарихий манбаларни биргаликда тадқиқ этиш, ёш турколог тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш ва академик алмашинув дастурларини кенгайтириш каби йўналишларда ҳамжиҳат иш олиб боришни замоннинг ўзи талаб етмоқда.

Биз бу борадаги ҳамкорлик истиқболларини янада кенгайтириш мақсадида биринчи Туркология қурултойининг 100 йиллиги муносабати билан туркий давлатларнинг етакчи илмий марказлари иштирокида “Туркий дунё маърифатпарварлари” халқаро илмий-энциклопедик лойиҳасини яратиш ҳамда жадидлик ҳаракати намоёндаларининг барча асарлари ва архив ҳужжатларининг ягона рақамли кутубхонасини шакллантиришни тақлиф қиламыз.

Ишончим комил, ушбу халқаро конгресс туркология соҳасидаги илмий ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиш, самарали тадқиқотлар ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда туркий халқлар ўртасида дўстлик ва бирдамликни янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим тарихий қадам бўлади.

Ана шундай гоят масъулиятли ва шарафли ишда фаол иштирок этиб келаётган сиз, азизларга мустақам соғлиқ, илмий ҳамда ижодий фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, конгресс ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Биринчи Туркология қурултойининг 100 йиллик қутлуғ санаси барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЯҚИН ВА САМАРАЛИ МУНОСАБАТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни таваллуд куни билан самимий қутлаб, мустақам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, қардош Туркменистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Ўз навбатида, Халқ Маслаҳати Раиси Ўзбекистон етакчисига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг саломини етказди.

Томонлар стратегик шериклиқнинг бугунги ҳолатини юксак баҳоладилар. Барча даражаларда яқин ва самарали алоқалар давом еттирилмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ўсмоқда, саноат, энергетика, транспорт ва бошқа устувор тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. “Шовот — Тошовуз” савдо зонаси унумли фаолият юритмоқда.

Худудлараро, ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Яқинда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишларининг яқунлари юксак баҳоланди.

Жорий йил октябр ойида Туркменистонда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг саккизинчи Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш доирасида минтақавий кун тартибини мувофиқлаштириш ва илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

ПРОФИЛАКТИКА – ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

Президент Шавкат Мирзиёев профилактика инспекторлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш, соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш юзасидан тақлифлар тақдироти билан танишди.

Қайд этилганидек, йўл-патруль, патруль-пост ва қўриқлаш хизмати ходимларининг хизмат йўналиши ва худудидан қатъи назар, аҳоли муҳожаатига тезкор муносабат билдириши жуда муҳим. Жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқбозлик омилларини барвақт аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан манзилли ишлаш энг самарали профилактика ҳисобланади.

Шу билан бирга, жиноятчиликни баҳолашда рақамлар ва кўрсаткичларни таққослаш амалиётидан тўлиқ воз кечилмагани кўрсатиб ўтилди. Шу боис криминоген вазиятни баҳолашда фақат статистик кўрсаткичларга таяниш эмас, балки аҳоли ишончи, ҳуқуқбозарликларнинг қайта содир этилиши, хавф гуруҳидаги шахслар билан ишлаш натижадорлиги асосий мезон бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Тақдиротда жамоат хавфсизлиги бўлиналари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари “аҳолига хизмат кўрсатувчи тизим” тамойили асосида белгиланиши тақлиф қилинди. Бош мақсад — аҳолининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлардан розилиги ва ишончига эришиш.

Бунинг учун профилактика инспекторлари, йўл-патруль, патруль-пост ва қўриқлаш хизматлари фаолиятини ўзаро уйғунлаштириш, уларнинг аҳоли муҳожаатларига тезкор муносабат билдириш, фуқаролар билан очик мулоқот қилиш, хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан манзилли ишлаш борасидаги вазифаларини ягона тизимга бирлаштириш назарда тутилмоқда.

Жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда айрим функция ва вазифаларни патруль-пост ҳамда қўриқлаш хизматларига, жамоат тартибини сақлашдаги баъзи вазифаларни эса йўл-патруль хизматида бериш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 9 мингга яқин маҳалаларда 10 мингдан ортиқ профилактика инспекторлари хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу катта куч эканини таъкидлаб, жиноятчиликни жийовлашда, аввало, профилактика инспектори ишини тўғри ташкил қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг юксак азму шижоати, билим ва салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намойён этиб, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан Янги Ўзбекистон тараққиётига, унинг халқаро нуфузини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, она Ватанимизга меҳри ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган қўйи-

даги ташаббускор ва етакчи ёшларимиз «Келажак бунёдкори» медаллари билан мукофотлансин:

Азатова Шахзода Алишер қизи — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиали 4-босқич талабаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Одилжоновна Камола Абдувосит қизи — Андижон давлат педагогика институтининг 1-босқич докторанти, Андижон вилояти

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

«МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда алоҳида фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва қобилияти, интилувчанлиги, ташаббускорлиги ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада оширишга катта ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтдорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари ило-вадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллашсин.

(Давоми 2-бетда).



Сенаторлар — ҳудудларда

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР КЎНГИЛДАГИДЕКМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Кутбиддин Бурхонов ҳамда ички ишлар вазири ўринбосари Баҳодир Мирзарахимов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳрининг Миробод туманида хавфсиз муҳитни шакллантириш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганди.

Ишчи гуруҳ аъзолари ва туман раҳбарлари маҳаллаларда жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш ҳамда аҳоли хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни таҳлил қилди. Ҳужумдан, ишчи гуруҳ туманда жиноятчилик даражаси юқори бўлган, “қизил” тоифага киритилган Шароф Рашидов номидаги маҳаллада бўлиб, жорий йилнинг беш ойи мобайнида содир этилган жиноятларни ҳар бир ҳолат кесимида мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокита атрофчила таҳлил қилди ва уларнинг келиб чиқиш сабаб ҳамда омилларини муҳокама этди.

Ўз навбатида, маҳаллани “қизил” тоифадан чиқариш, кримноген вазиятни барқарорлаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда аҳоли учун хавфсиз муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди. Муаммоли йўналишлар юзасидан масъулларга аниқ вазифа ва топшириқлар берилиб, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича тегишли йўл-йўриқлар белгиланди.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ аъзолари Миробод туманидаги Файзиобод маҳалласида ҳам бўлди. Ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактика ишларини сифат жиҳатдан

янги босқичга олиб чиқиш ҳамда мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишилди.

Учрашув давомида маҳаллада кримноген вазиятни барқарор сақлаш, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан индивидуал ишлаш, ижтимоий профилактика механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, маҳалла фаоллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. Ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаш ҳамда муаммоларни эрта аниқлашга қаратилган профилактик чора-тадбирларни изчил давом эттириш зарурлиги алоҳида ургуланди.

Гиеҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи ҳамда улар истеъмолнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни кучайтириш, таълим муассасалари, ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини замонавий ва таъсирчан усуллар асосида ташкил этиш юзасидан вазифалар аниқлаб олинди.

Семинар

ПИЛЛАЧИЛИКДА САНОАТ УСУЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

“Ўзбекипаксаноат” уюшмасида пиллачилик тармоғида саноат усулида пилла қурти боқиш технологияларига ўтиш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова қатнашди.

Ушбу тадбир пиллачилик соҳасида замонавий технологияларни кенг татбиқ қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илгор тажрибаларни оммалаштириш ҳамда тармокки янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.

Семинар давомида иштирокчиларга пиллачиликда саноат усулида пилла боқишининг замонавий технологиялари, унинг афзалликлари, иқтисодий самарадорлиги ҳамда мазкур йўналишдаги амалий тажрибалар ҳақида батафсил маълумот тақдим қилинди.

Мазкур технологияларни республика миқёсида кенг жорий этиш

орқали пилла етиштириш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини янада яхшилаш кўзда тутилган бўлиб, илгор тажрибани яқин кунларда Андижон, Наманган ва Хоразм вилоятларида амалиётга татбиқ қилиш режалаштирилаётгани айтилди.

Тадбир якунида пиллачиликда саноат усулини кенг қўллаш, замонавий ва илгор технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек, тармокнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Фракциялар ҳаёти

ДОЛЗАРЪ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси фракцияси йиғилишида “Давлат ветеринария назорати такомиллаштирилиши муносабати билан “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Унда “Ветеринария тўғрисида”-ги Қонунга ветеринария соҳасидаги асосий принципларни белгилашга, Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасининг ветеринария соҳасига оид ваколатларини аниқлаштиришга, давлат, идоравий, ишлаб чиқаришдаги ва хусусий ветеринария хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган нормалар ақ этмокда.

Мунозаралар давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида ҳужжат матни янада маромига етказилиб, такомиллаштирилгани ургуланди.

Йиғилишда саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Бу билан амалдаги қонун ҳужжатларига саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги ҳамда атом энергисидан фойдаланиш соҳаларида давлат назорати тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқий муносабатларни мукаммаллаштиришга қаратилган ўзгартiriшлар ва қўшимчалар киритилмокда.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамияти, аини чоғда заруратини эътиборга олиб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Шунингдек, лойиҳани янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Қизгин мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ёшларни миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга масъуллиқ

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида мактабга ва мактаб таълими вазирлиги парламент сўрови юзориш масаласи муҳокама қилинди. Унда таълим ташкилларида ёшларни миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган миллий тарбия моделини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот тақдим этилиши сўралган.

Маълум қилинганидек, бугунги кунда умумий ўрта таълим ташкилотларида

Тарбия фани жорий этилган бўлиб, у ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Бироқ депутатлар томонидан ўтказилган ўрганишларда соҳада айрим муаммолар сақланиб қолгани аниқланган.

Шу билан бирга, глобаллашув ва рақамлаштириш жараёнлари таъсирида ёшлар онгига турли мафкуравий, мада-

ний ва рақамли таъсирлар кучайиб бораётгани, ўз навбатида, ёшлар тарбиясида ахборотдан масъулиятли фойдаланиш, шубҳали маълумотларни танқидий баҳолаш, миллий қадриятларни замонвий дунёқараш билан уйғунлаштиришга ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган самарали тарбия механизмларини жорий этишни талаб қилмокда.

Фракция йиғилишида юқоридагилардан келиб чиқиб, мактабга ва мактаб таълими вазиридан миллий тарбия моделини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида кенг маълумот бериш сўралгани қайд этилди.

— Шунингдек, унда миллий тарбия модели бўйича педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда “military.uz” рақамли платформасини йўлга қўйиш, у орқали тарбиявий контентни, методик материаллар ва ўқувчилар портфолиосини юритиш, ота-оналар билан ҳамкорлик механизмларини рақамлаштириш бўйича қўрилаётган чоралар баён қилиниши керак, — деди фракция аъзоси Васила Файзиева.

Муҳокамадан сўнг ушбу масала қўллаб-қувватланди.

Истеъмолчилар манфаатлари ҳимоя қилинади

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида яроқлилик муддати ўтган ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда товарларни реализация қилиш ҳамда сотишнинг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига тегишли ўзгартiriшлар киритилмокда. Хусусан, яроқлилик муддати ўтган, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шарт-

лиги белгиланган товарларни ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда реализацияси билан шугулланиш ва сотиш мақсадида қабул қилганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жарималар миқдорини ошириш назарда тутилган.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида депутатлар томонидан берилган таклифлар асосида қатор ишлар амалга оширилиб, лойиҳа матнига тегишли ўзгартiriшлар киритилганини алоҳида қайд этди.

— Маълумотларга кўра, яроқлилик муддати ўтган, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда савдо қилиш ҳолатлари кўпаймокда, — дейди фракция аъзоси Зўҳриддин Мавлонов. — Ушбу ҳужжат истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, товарларнинг яроқлилик муддатига оид талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш, аҳоли саломатлиги ва ҳаётига хавф солувчи ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу сабабли қонун лойиҳасининг долзарблигини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватладик.

Меҳнат ҳуқуқи муҳофазаси — доимий эътиборда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб бир гуруҳ депутатларнинг қонунчилик ташаббуси билан киритилган “Халқро меҳнат стандартлари миллий қонунчилика имплементация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартiriш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқро меҳнат ташкилотининг 111-Конвенцияси нормаларини миллий қонунчиликка изчил жорий этишга қаратилган. Унга кўра, Меҳнат кодекси меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш белгилари қатори “терисининг ранги” ва “сиёсий қарашлар” тушунчалари билан тўлдирилмокда.

Шунингдек, меҳнат муносабатларида инсон шаъни ва қадр-қимматини таъминлаш, иш жойларида шахвоний шилқимликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Меҳнат кодексини меҳнат ва машғулотлар соҳасида шахвоний шилқимлика йўл қўймаслика оид янги норма билан тўлдириш таклиф қилинмокда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг асосий мақсади меҳнат муносабатларида инсон шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлигини таъминлаш эканини алоҳида таъкидлаб, уни қўллаб-қувватлашди.

Кун тартибидagi навбатдаги масала — “Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Тоза энергия маркази уставини ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳага кўра, Тоза энергия маркази ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, унинг фаолияти тоза ва қайта тикланадиган энергия, сув ва энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, кадрлар малакасини ошириш каби йўналишларда олиб борилиши таъкидланди.

Муҳокама жараёнида фракция аъзоси Анваржон Нурматов марказ фаолиятининг иқтисодиёт ва аҳоли манфаатларига тааллуқли жиҳатлари, Ўзбекистон томонига қандай мажбуриятлар юкланиши ҳақида саволлар билан мурожаат қилди.

Берилган саволларга мутасаддилар ва соҳа экспертлари томонидан изохлар берилгач, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган коммунал хўжалиги ходими» фахрий унвони таъсис этилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Давлат ветеринария назорати такомиллаштирилиши муносабати билан “Ветеринария тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ушбу лойиҳа билан “Ветеринария тўғрисида”ги Қонунга Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасининг ветеринария соҳасидаги ваколатларини аниқлаштиришга, давлат, идоравий, ишлаб чиқаришдаги ва хусусий ветеринария хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиришга, давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташини ва реализация қилиш билан боғлиқ хавфни таҳлил этиш ва бошқаришга ҳамда соҳага оид миллий қонунчиликни халқро нормаларга уйғунлаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартiriшлар киритилмокда.

— Мазкур қонун лойиҳаси ветеринария, ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга, давлат ветеринария хизматини амалга ошириш ва унинг назоратида очқиклини таъминлашга, шунингдек, соҳадаги айрим талабларни Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларига мувофиқлаштиришга хизмат қилади, — деди фракция аъзоси Наврўз Юсупов.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган коммунал хўжалиги ходими” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Фракция аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши соҳадаги ходимларнинг касбий фаолиятини муносиб қўллаб-қувватлаш, ёш ва малакали кадрларни соҳага жалб этиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда коммунал хўжалиги тизимида хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

ДЕПУТАТЛАР ТЕХНОПАРК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 3 февралдаги тегишли қарори ижроси доирасида Тошкент вилоятида барпо этилган “Чирчиқ” кимё-индустриал технопарки бугунги кунда кимё маҳсулотларини чўқур қайта ишлаш, илгор технологияларни жорий этиш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун қўлай муҳит яратишга хизмат қилмокда.

Умумий майдони 26,4 гектар бўлган ҳудудда муҳандислик-коммуникация тармоклари ва замонавий инфратузилма шакллантирилган бўлиб, изчил амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ўз самарасини бермокда. Рақамлар мисолида айтадиган бўлсак, 2025 йилда 56 млн. долларлик инвестиция ўзлаштирилиб, 758 та иш ўрни яратилган. Йил давомида корхоналар томонидан 60 млн. долларлик 150 дан ортик турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Келгуси режалар ҳам улкан бўлиб, 2030 йилга қадар инвестициялар ҳажмини 207 млн. долларга, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 294 млн. долларга, экспортни 48 млн. долларга етказиш ҳамда иш ўринлари сонини 2 300 тага ошириш белгиланган.

Яқинда Президентимиз “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркига таширфи доирасида қатор корхоналар фаолияти, шунингдек, кимё саноатини ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий лойиҳалар тақдимоти билан танишиб, кимё саноатини жадал ривожлантириш ва ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берган эди.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси аъзолари ҳамда бир гуруҳ депутатлар мазкур технопаркда бўлиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари, технологик жараёнлари, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Мутахассислар ҳамда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, соҳани янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди.

Равшан ФОЗИЛОВ, қўмита аъзоси:

— “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизда кимё саноатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ислохотлар амалий натижа бераётганини кўрсатди. Айниқса, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар алоҳида эътиборга лойик. Корхоналар раҳбарлари ва тадбиркорлар билан очик мулоқот давомида соҳадаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари ҳамда қонунчиликни янада такомиллаштиришга оид таклифлар муҳокама қилинди. Бундай амалий мулоқотлар парламент назорати самарадорлигини ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Галия РАЙХАНОВА, қўмита аъзоси:

— Технопаркда жорий этилган замонавий технологиялар ва инноваци-

он ёндашувлар мамлакатимиз саноатининг рақобатбардошлигини оширишда муҳим ўрин тутаятганига амин бўлдик. Суҳбатлар давомида тадбиркорлар томонидан инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, экспорт географиясини кенгайтириш ва малакали кадрлар тайёрлашга оид қатор таклифлар билдирилди. Бу фикр-мулоҳазаларни қонун ижодкорлиги жараёнида инобатга олиш, ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий механизмларни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Раҳматилло ШУКУРОВ, қўмита аъзоси:

— Саноат корхоналари фаолиятини жойига чиққан ҳолда ўрганиш депутатлик фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Технопаркдаги ишлаб чиқариш жараёнлари, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ва янги қувватларнинг ишга туширилиши ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилаётганини кўрдик. Тадбиркорлар билан мулоқотларда билдирилган таклиф ва ташаббуслар атрофчила ўрганилиб, улар асосида соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилади.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАКДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2026 йил биринчи чорақдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси маъсул ходимлари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идора раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида амалга оширишга оид вазифалар ижросини таъминлашга йўналтирилган. Глобал иқтисодиётда кузатилаётган юқори ўзгарувчанлик ва ноаниқликларга қарамасдан мамлакатимизда изчил ва кенг қўллами изолахотлар амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг мос давридаги нисбатан 8,7 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 8 фоиз, бозор хизматлари 16,1 фоиз, қурилиш ишлари 15,5 фоиз ва қишлоқ хўжалиги 5,1 фоизга ошгани барқарор иқтисодий ўсиш жараёنлари давом этаятганини кўрсатмокда.

Шунингдек, ҳисобот даврида режа кўрсаткичларига нисбатан Давлат бюджети даромадлари 137,2 фоиз бажарилгани ҳамда харажатлар бўйича ижро 92,6 фоизни ташкил қилгани бюджет барқарорлиги таъминланаётганидан далолат бермокда.

Муҳокама чоғида депутатлар Давлат бюджети ижроси мамлакатимизда ижтимоий давлат таъмолийига амал қилинган ҳолда таъминланаётганини алоҳида таъкидлади. Бунинг тасдиғи

сифатида ҳисобот даврида бюджетдан ижтимоий соҳа харажатлари учун 50,3 трлн. сўм маблағ ажратилгани ва ушбу маблағ жами харажатнинг 53,1 фоизини ташкил этганини айтилди.

Давлат бюджетининг ижроси аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилгани депутатларнинг алоҳида диққат марказида бўлди. Хусусан, Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туманлар, шаҳарлар ва маҳаллаларни ривожлантириш учун республика бюджетидан жами 4,0 трлн. сўм маблағ ажратилган. Шу билан бирга “Депутат ташаббуси” амалиёти натижасида 149 та қўшимча лойиҳа депутатлар томонидан танланиб, уларга Давлат бюджетидан 239 млрд. сўм ажратилгани сўнгги йилларда халқ вакиллари ваколатлари ортиб бораётганининг аққол мисоли сифатида эътироф этилди.

Депутатлар эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигига ҳам танқидий баҳо беришди. Муҳокамада ҳисобот даврида бюджетдан зарур маблағлар ажратилишга қарамасдан айрим вазирлик ва идоралар томонидан маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги депутатлар эътирозларига сабаб бўлди. Бундай ҳолатларга Соғлиқни сақлаш, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлик-

лари ҳамда Енги саноатни ривожлантириш агентлиги томонидан йўл қўйилган танқид остига олинди.

Шунингдек, вазирлик ва идоралар томонидан Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда белгиланган мақсадли индикаторларга эришиш даражаси танқидий кўриб чиқилди. Айрим тармок дастурларида, хусусан, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ хўжалиги ва аҳолини тадбиркорликка жалб этиш йўналишларида ажратилган маблағларни ўз вақтида ўзлаштирмаслик ҳамда режа кўрсаткичларининг кенчикши кузатилганлиги депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Шу билан бирга, давлат маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан молиявий назоратни кучайтириш масаласи кун тартибининг марказида бўлди. Назорат тадбирлари давомида соҳаларда аниқланган молиявий хатоликлар, маблағларни нотўғри сарфлаш ҳолатлари ва уларни буюж-жетта тўлиқ қайтариш (тиклаш) жараёнининг сустлиги танқид қилинди. Мажлисда вазирликлар ҳузурдаги Ички аудит хизматлари фаолиятини тўдан жонлантириш, тизимли камчиликларни олдиндан аниқлаш ва хавфхатарларни бартараф этиш бўйича таъсирчан назорат механизмини жорий этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига аниқ тавсия ва топшириқлар берилди.

Мажлисда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2026 йил биринчи чорағидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТАЁТГАН ОЛТИН АВЛОД

Ёшлар — ҳар бир юрт ва миллатнинг бойлиги, буюк салоҳияти ҳамда куч-қудрати манбаи. Шу боис мамлакатимизда навқирон авлодга гамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг келажақда комил инсон бўлиб вояга етиши ва

юрт тараққиёти йўлида ўз имконияти ҳамда салоҳиятини тўлиқ ишга солиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар ёшларнинг эртанги кунга ишончини

мустаҳкамламоқда, орзуларига қанот бўлмоқда. Албатта, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ютуқларга эришаётган ҳар бир ёш ютуғи — бутун халқимизнинг бойлигидир. Ёшлар кунги муносабати билан ҳаётда ўз йўлини топган, билим ва салоҳиятини рўёбга чиқариб, муваффақият қозонаётган йигит-қизларнинг дил сўзларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

30 июнь — Ёшлар куни

ҲАР БИР ЙИГИТ-ҚИЗ ЭЪТИБОРДА

Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги директори,
сенатор:

— Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда нишонлаб келинаётган ва сеvimли шодиёнага айланган Ёшлар куни шунчаки байрам эмас, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати натижаларини сарҳисоб қилиш, навқирон авлоднинг ютуқларини эътироф этиш ва улар учун янги имкониятларни белгилаб берадиган муҳим санадир.

Президентимиз ҳар бир йигилиш ва учрашувда айнан ёшларга ургу беради, интилишлари ва мақсадлари билан қизиқади, уларнинг тимсолида Янги Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги бунёдкорларини кўраётганини таъкидлайди. Бу биз учун катта масъулият юклайди.

Бугун мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш фақат битта таъкилотнинг вазифаси эмас, балки оила, маҳалла, таълим муассасалари ва давлат идоралари ҳамкорлигидаги узлуксиз тизим ўлароқ ташкил этилмоқда. Шу маънода, Ёшлар ишлари агентлигининг таълим, касбга йўналтириш ва маърифий лойиҳалари бугунги кунда миллионлаб ёшларни қамраб оляпти. Масалан, “Ёшлар дафтари” тизими орқали 2021 йилда 584 минг нафар ёшга 380,5 млрд. сўмлик ёрдам кўрсатилган бўлса, жорий йилга келиб ушбу кўрсаткич 1,5 млн. нафар ёшни ва 2 трлн. сўмлик қўмакни ташкил этди. Бу эса тизим қамрови 2,6 баробар ошганини

кўрсатади. “Ибрат фарзандлари”, “Устоз AI”, “Мутотлаа” лойиҳалари доирасидаги кўрсаткичлар ҳам салмоқли. “Ёш китобхон” танлови иштирокчилари сони 5 млн. нафарга, “Заковат” интеллектуал клуби аъзолари эса 319 минг 814 нафарга етди. Қизларнинг таълим ва шахсий ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган “Қизлар академияси” лойиҳаси билан 968 минг 850 нафар хотин-қиз қамраб олинган. Шунингдек, халқаро тил сертификатлари харажатлари 67 249 нафар ёшга компенсация қилиб берилди.

Хорижда таълим олаётган ҳамда халқаро майдонда фаолият юритаётган ёшлар билан мунтазам равишда очик мулоқотлар олиб боряпмиз. Хусусан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиалари билан ҳам мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Энг муҳими, хорижда билим олган ёшларнинг юртимизга қайтган, муносиб иш билан таъминланиши ва ўз салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига йўналтириши масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Қувонарлиси, айти пайтда ёш тадбиркорлар сони 142 минг 454 нафарга етди. Ўзбекистон эса глобал стартап экотизимда 2023 йилдаги 111-ўриндан жорий йилда 79-ўринга кўтарилиб, энг тез ривожланаётган “Йил мамлаката” сифатида эътироф этилди.

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАДИ

Махлиё БАХРОМОВА,
Зафаробод туманидаги
13-умумтаълим мактаби
битирувчиси:



— Бугун ёшлар учун барча имкониятлар яратилган. Муҳими, улардан тўғри фойдаланиш керак. Жумладан, ҳозирги глобаллашув даврида йигит-қизларнинг хорижий тилларни, айниқса, халқаро алоқа, илм-фан ва технологиялар тили — инглиз тилини мукамал эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, мактаб ўқувчиларининг, жумладан, мен каби чекка қишлоқларда яшаётган ёшларнинг хорижий тилларни пухта ўзлаштиришлари келажақдаги касбий ва шахсий муваффақият учун муҳим аҳамият касб этади. Бироқ анъанавий дарс методлари ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳар доим ҳам юқори даражада ушлаб туролмайдиган. Шу сабаб мактаб ўқувчиларига мўлжалланган, хориж тилларини замонавий ва қўлай усулда ўргатувчи “Smartschool” номли янги платформа яратишга муваффақ бўлдим.

Платформанинг қўлайлиги шундаки, унинг ёрдамида хорижий тилни исталган жойда ўрганиш, ушбу жараённи сунъий интеллект, ўйинлар ва интерфаол машқлар орқали ташкил этиш мумкин. Шунингдек, ота-оналар учун фарзандларнинг натижаларини реал вақт мобайнида кузатиш имконияти ҳам мавжуд. Рақамли технологияларни таълим жараёнига интеграция қилиш орқали ёшларга интерфаол, мустақил ва қизиқарли ўрганиш муҳитини яратиш — бош мақсадимиз. Маскур лойиҳа орқали тенгдошларимнинг хорижий тилларни мукамал ўрганишларига оз бўлсада ҳисса қўша олсам, ўзимни бахтли ҳисоблайман.

ИМКОНИАТЛАР ЗАМОНИ

Жавлон ҒАНИЕВ,
ёш кулол (Шахрисабз тумани):



— Ота-боболаримиз “Хунар — хунардан ризқинг унар”, деб беҳиз айтмаган. Юртимиз таълим тизимида ҳар бир ёшнинг мактабни маълум бир хунарга оид кўникмаларга эга бўлиб битириб чиқишга ургу берилаётгани шундан. Шу билан бирга, йигит-қизларнинг касб-хунар эгаллашида “Устоз


— шогирд” тизимидан самарали фойдаланилаётгани эътиборга лойик. Мен ҳам яратилган имкониятлардан фойдаланиб, кулолчиликни

ўргандим. Бир неча йил аввал хунарманд сифатида рўйхатдан ўтиб, Шахрисабз шаҳридаги Оқсарой мажмуасида кулолчилик устaxonимни очдим. Ясаётган буюмларимиз хорижлик сайёҳларнинг диққатини тортимоқда. Улар устaxonимиздаги иш жараёнлари билан танишиш асосида тайёр маҳсулотларимиздан харид қилишади. Биз имкониятлар замонида ашяамиз. Икки йил аввал имтиёзли кредит олиб, туманинг Абзият маҳалласи

худудида отам билан биргаликда яна бир Кулолчилик марказини ташкил этдик. Ҳозир ҳар иккала марказда иш қизиган. Шахрисабзнинг қадимий кулолчилик анъаналари асосида турли сопол буюмлар, сувенирлар тайёрлаб, бозорга чиқаряпмиз. Қатор нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритдим. Қолаверса, бу каби фестивал ва танловлар орқали юртимиздаги таникли кулоллар билан танишиб, ўзаро тажриба алмашаяпмиз.

НУРАФШОННИНГ ЯНГИ МАҚОМИ


Рўзमतилла ИБРАГИМОВ,
Нурафшон шаҳридаги Тўйтепа маҳалласи ёшлар етакчиси:



— Шу йил 24 февраль куни давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан очик мулоқотида белгиланган асосий вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Президент фармонида мувофиқ, республикаимиздаги ўн тўртта худудий бириклик қаторида Нурафшон шаҳрига ҳам “Ёшлар шахри” мақоми берилгани биз учун янги имконият эшикларини очиб берди. Нурафшонлик йигит-қизларнинг сифатли таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, замонавий меҳнат бозорига муносиб ўрин топишга қўмаклашиш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларда ватанпарварлик, ташаббускорлик ва масъулият туйғуларини мустаҳкамлаш борасида шахримизда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг ёшлар билан ўтказган очик мулоқотида янги ташаббусларнинг мантйик давоми сифатида ҳафтининг ҳар пайшанба куни “Ёшлар куни” деб белгилангани тенгдошларимизнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, бугунгача Нурафшонда 91 марта “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви ўтказилган бўлса, бу мулоқотларда 2535 нафар ёш иштирок этиб, улар томонидан билдирилган 301 та мурожаат ва тақлиф ижобий ҳал қилинди. Бу шароитларнинг барчаси Нурафшон ёшлар учун имконият шахрига айланиб бораётганини амалда тасдиқлайди.

ОРЗУЛАРНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Муштарий ТОШПЎЛОВА,
Халима Худойбердиева номидаги ижод мактаби
битирувчиси:



— Президентимиз ҳар сафар ёшлар билан учрашганда китоб ўқишга, ўрганишга, изланишга даъват этади. Яхши таълим олган инсон ҳаётда қўқилмаслигини, ўз йўлини топишини ўқтиради.

Янги Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани орзуларнинг ойдin йўли ушбу жабҳадан бошланишини англатади. Барча худудларда Президент мак-

таблари, ихтисослаштирилган ҳамда ижод мактаблари очилмоқда. Улардаги шароитлар ривожланган давлатлардаги ҳеч бир таълим муассасасиникидан асло қолишмайди. Халима Худойбердиева номидаги ижод мактабида 7 йил ўқидим. Бу ерда-

ги қўлай имкониятларни ҳар қанча эътироф этсам арзийди. Ушбу маскан кўпчилик синфдошларим каби мен учун ҳам ўз уйимдек бўлиб қолди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакики, ижод мактаби биз каби қаламқаш ёшлар учун ажойиб туҳфа бўлди. Мактабимизнинг илк қалдирғочларидан то ўтган йилги битирувчиларигача — ҳаммаси олий таълим муассасаларига қабул қилинди. Яъни ҳар йили мактаб битирувчилари 100 фоиз талаба бўлмоқда. Хорижий мамлакатлардаги нуфузли университетларда ўқиётганлар ҳам бор. Янада эътиборлиси, синфдошларим орасида эса мuddатидан олдин талаба бўлганлар талайгина.

ХАЁЛДАН ҲАЁТГА КЎЧГАН ҲАҚИҚАТ

Футбол — оддий ўйин. Қоидалар оддий, шартлар оддий, жараён оддий. Ўйинчилар тўпни назорат қилиши ва уни рақиб дарвозасига киритиши керак. Бир қарашда ҳеч нима мураккаб эмасдек. Аммо мураккаб кўринмаган мана шу нуктада моҳият маълум бўлади.

«Жаҳон чемпионати — 2026»

Гап шундаки, футболчи фақат тўп билан ўйнамайди — у миллионлаб юракларнинг ҳаяжонлари билан тўқсон дақиқа давомида яшил майдонда яшайди. Бу ерда рақиб дарвозасини ишғол қилиш биринчи масала эмас, асосий вазифа — миллат ва мамлакат шазнини муносиб ҳимоя қилиш!

Не бахтки, Мексика, Канада ва АҚШ яшил майдонларида ўтказилаётган мундиалда илк бор қатнашган футбол бўйича миллий терма жамоамиз бу вазифани адо этиш учун барча имкониятларини сафарбар қилди ва муҳлисларни бир қадар қувонтирди ҳам. Мамлакатимиз халқи ва дунё ўзбекларига ҳадя қилинган ҳароратли кунларнинг ҳаяжони ҳамон ишқибозларнинг юрагини тарқ этгани йўқ. Дарҳақиқат, тарихий лаҳзаларнинг гувоҳи бўлдик.

— Ўзбекистоннинг номи билан мил-



лий терма жамоамиз жаҳон чемпионатида иштирок этишини узоқ йиллар мобайнида ортиқчи кутган эдик. Мана шу кунларни қўриш бизга насиб этди. Машҳур қўшиқча қўйланганидек, “бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”, — дейди футбол ишқибози Икромали Холматов. — Футболчиларимиз мундиал йўланмасини нақд қилган қуниёқ Шимолий Америкага виза ва чипта расмийлаштира бошладим. Ўзбекистон тарихидаги биринчи ўйинни бевосита томоша қилиш бахти насиб этди. Бу турнирнинг ҳарорати жуда баланд — футболчиларга ҳам осонмас. Улар учун ҳам Ўзбекистон номидан майдонда тўп суриш нақадар масъулиятли бўлганини ҳис қилдик.

Шу ўринда ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионатида йўланма олганини шунчаки “квоталар сони ошгани” билан боғлаб, гўё бу тарихий муваффақият жамоанинг майдондаги матонатли ваззига эмас, қозғодаги ўзгаришлар сабаб ўз-ўзидан келиб қолгандек талқин этиляпти. Аммо аниқ факт ва рақамлар бундай юзаки қарашларни инкор этади.

Осиёе қитъаси учун квоталар сони 8,5 тага етказилгани бор гап. Бироқ учинчи саралаш босқини регламентига қўра, фақат ўз гуруҳида дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоаларгина тўғридан-тўғри йўланма тақдим этилади. Қолган ўринлар эса тўртинчи босқиннинг мураккаб ва таваккалчиликка бой плей-офф “элагидан” ўттишга мажбур этиди.

Ўзбекистон терма жамоаси қўшимча ажратилган ёрдамчи ўринлар учун плей-оффларда асаб бузиб юргани йўқ. Вақилларимиз гуруҳда дастлабки турларданқо пешқадамликни қўлга киритиб, маррага 2-ўрин билан етиб келди. Бу — қитъанинг энг кучли элита жамоалари сафида тўғридан-тўғри чиптага эга бўлиш деганидир. Жамоамиз масалани ҳеч қандай плей-оффларсиз, мuddатидан олдин ҳал қилди.

Миллий жамоамизнинг жаҳон чемпионати иштирокчилари қаторидан ўрин олгани тасодиф ёки омад эмас, берилган имкониятни галабага айлантира олиш салоҳиятидандир. Муваффақиятни қўра билиш, ўзгалар меҳнатини ва миллий гурурни қадрлаш юксак ички маданият белгиси. Қолаверса, Америка қитъаси стадионларида бот-бот тилга олинган мамлакатимиз номи халқаро имиж ва миллий иқтисодиётимиз учун ҳам ман-

фаатли бўлди. Масалан, “Google Trends” маълумотларига қўра, Ўзбекистон ҳақидаги интернет қидирувлари 450 фоизга ошган. Халқаро ахборот маконида Ўзбекистон ва миллий терма жамоа иштироки ҳақида 3 миллиондан ортиқ материаллар эълон қилинди ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари, “YouTube” ва бошқа ижтимоий тармоқларда Ўзбекистонга оид 3,4 миллиондан кўп пост ва видеоматериаллар жойлаштирилди. Бунинг натижасида “Uzbekistan” сўзи бўйича қидирувлар 40 фоизга, “Tourism to Uzbekistan” мавзuidaги қидирувлар 10 фоизга ортиди. “Travel Uzbekistan” сўрови эса “Google Trends” шкаласида максимал — 100 балл кўрсаткичига эришди.

28 июнь куни Тошкент вақти билан соат 4:30 да жорий жаҳон чемпионати гуруҳ босқинининг сўнгги турида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Конго Демократик Республикасига қарши майдонга тушди. Учрашув ҳисобини 10-дақиқада жамоамиз сардор Элдор Шомуродов очди ва биринчи бўлим Ўзбекистоннинг 1:0 ҳисобидида устулги билан якунланди.

Иккинчи бўлимда эса ташаббус конголикларга ўтди: 68-дақиқада пенальти орқали ҳисоб тенглашди. Орадан 10 дақиқа ўтгач, 78-дақиқада яна бир гол уриб, ҳисобда олдинга чиқиб олди. Учрашувга қўшиб берилган дақиқаларда киритилган учинчи гол эса ўйинга нукта қўйди, ҳисоб — 3:1.

Шу тариқа, Ўзбекистон ўз тарихида илк бор иштирок этган жаҳон чемпионатида гуруҳ босқинини якунлади. Жамоамизнинг сўнгги рақиб Конго ДР вақиллари галаба қозониб, плей-офф босқинига йўланмани қўлга киритди.

Кеча эса ФИФА 2026 йилги жаҳон чемпионати гуруҳ босқинининг энг яхши голларининг “ТОП-12” талигини овоз бериш учун эълон қилди. Месси, Мбаппе, Винисиус каби жаҳон футбол юлдузлари орасидан ватандошимиз, миллий жамоамиз сардори Элдор Шомуродовнинг конголиклар дарвозасига киритган ажойиб голи ҳам ўрин олган.

— Ўзбекистоннинг жаҳон чемпионатидаги дебютидаги энг ёрқин лаҳза — сардор Элдор Шомуродовнинг дарвозабон устидан ошириб урган голи бўлди, — дейилади ФИФА эътирофиди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Марказий Осиёе мамлакатлари орасида биргина Ўзбекистон жамоасининг жаҳон чемпионатида иштирок этгани спорт — тинчлик элчиси ва у халқларни бирлаштиришини амалда яна бир бор исботлади. Президентимизга қўллаб-қувватлаш орқали ва ҳукуматлар раҳбарлари миллий жамоамизга муҳлислик қилганини мамнуният билан маълум қилди. Стадионларда миллий жамоамизни ўзбеклар билан бирга бевосита қозққ, киргиз, тожик, туркман, турк, узбабайжон қардошларимиз ҳам елкама-елка туриб қўллаб-қувватлади. Муҳими, жаҳон чемпионати майдонларида тўп сурган футболчиларимиз Президентимизнинг сиёсий иродаси ва саяй-ҳаракатлари билан кейинги ўн йилда Марказий Осиёеининг бирлашаётган руҳини дунёга намойиш эта олди.

Умуман, жаҳон чемпионати шундай майдонки, унда фақат галабалар эмас, балки мағлубиятдан ҳам сабоқ чиқариш мумкин. Бугун не-не рақиб жамоаларини титратаётган Япония миллий терма жамоаси ҳам 1998 йили илк бор мундиалга чиққанида гуруҳ босқинида уч ўйинда ҳам мағлубиятга учраган. Кейин хатолар ангилди, футболни ривожлантириш бўйича янги тизим йўлга қўйилган. Шу маънода, миллий жамоамиз учун жаҳон чемпионатидаги илк иштирок катта синов ва тажриба мактаби бўлди, десак, хато эмас. Кечаги орзуларимизни амалга оширган йигитларга ҳавас билан яшил майдонда тўп сураётган бугунги болалар истиқболда янада юксак умидларимизни рўёбга чиқаради, деб ишонамиз.

Отабек ИСРОИЛОВ
(“Халқ сўзи”).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони жамоаси Давлат бюджети бошқармасининг бош маслаҳатчиси Ж. Салоҳиддиновга падари бузруквори
Муҳиддин НАЖИМИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Эндиликда хориждан шахсий эҳтиёж учун олиб кирилган уяли алоқа воситалари — смартфонлар автоматик тарзда «UZIMEI»да рўйхатдан ўтиши мумкин бўлади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган қўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзқиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаовбар.
Газета тахрират компьютер тармакда терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.30 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши